
Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари доирасида эртага, 6 сентябр кунини "Шўрсув" ва "Бегобод" маҳаллаларидаги истеъмолчилар табиий газ таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари доирасида Ўзбекистон тумани "Шўрсув" ГРСида эртага, 2024 йил 6 сентябр, жума кунини таъмирлаш ишлари бажарилади.

Шу сабабли ушбу ГРСдан фойдаланувчи "Шўрсув" ва "Бегобод" маҳаллаларидаги аҳоли хонадонлари ва улгуржи истеъмолчилар табиий газ таъминотида **эртага соат 08:00 дан 17:00 га қадар** вақтинчалик узилиш бўлади.

Ҳурматли истеъмолчилар!

Огоҳ бўлиб, газни ўчириш ва ёқишда табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишингизни эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

“Худудгаз Фарғона” ГТФ “Ўзбекистонтумангаз” бўлими
Мурожаат учун телефон: ☎104, (73) 539-19-46

2024-09-05 14:39:45